

Сийрат суҳбатларига марҳабо!



15:12 / 09.10.2021 1900

Рабиъул аввал ойи ҳар муслмон инсон учун ўзгача аҳамият касб этиши табиий. Зотан, бу ойда ҳабибимиз, оламларга раҳмат қилиб юборилган пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёга қадам қўйганлар. Шу боис, Ислом уммати севиқли набийлари таваллуд топган бу ойни ўзгача эътибор билан кутиб олиб, шодиёналикда ўтказадилар.

Устозимиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ ҳар йили рабиъул аввал ойида мавлид анжуманларини ташкил қилиб, ўзлари бош бўлиб, уни кўтаринки руҳда, байрамона кайфиятда ўтказар эдилар. Мавлид анжуманларида юртимизда кўзга кўринган аҳли илмлар, имом-хатиблар, қори домлалар, узоқ-яқиндан келган сиз каби азиз меҳмонларнинг иштирок этиши, маърузалар, хатми Қуръонлар қилиниши, салавотлар, нашидалар айтилиши ўша бахтиёр кунларимиздан буён гўзал

анъанага айланиб қолди.

Бу йилги сийрат йиғинида кўпчилик мусулмонлар иштирок этиши учун **«Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф»** ҳазратларининг номлари берилган мажмуада **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қалблар табиби»** шиори остида сийрат сабоқлари ўтказилиши режалаштирилган. Мақсадимиз – ушбу масжидни бино қилишда бош-қош бўлган азизларимизнинг амал дафтарларига ҳам қилинадиган тиловату зикрлардан мўл-кўл савоблар ёзилса, бу савоблардан уларнинг ўтган ота-оналарига, устозларига савоблар етса, эл-юртга баракага сабаб бўлса, кўпчилик баҳраманд бўлиб, илм-маърифатимиз юксалса...

Сийрат сабоқлари ҳижрий 1443 сана 4 рабиъул аввал, милодий 2021 йил 10 октябрдан ҳафтанинг якшанба ва пайшанба кунлари шом намозидан сўнг бошланиши режалаштирилган. Унда асосий маърузалар **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қалблар табиби»** шиори остида бўлиб ўтади. Маърузалар юртимиздаги таниқли аҳли илмлар тарафидан илмий-оммабоп услубда тақдим этилади.

Тадбирда араб ва ўзбек тилидаги нашидалар ҳам ўрин олган. Шунингдек, эркаклар учун хонақоҳ ва пастки қаватда, аёллар учун махсус жой ҳозирланади. Ушбу сийрат анжумани барча учун очиқ. Суҳбатлар ижтимоий тармоқлар орқали жонли тақдим этиб борилади.

Марҳамат сийрат сабоқларидан баҳра олинг!